

МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ОҚИБАТЛАРИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР



Й.Каримов

Гулистон давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада миграция жараёнларининг мамлакатлардаги ижтимоий ҳолатга таъсири, оқибатлари, мамлакатимизда ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида қилиниши лозим бўлган вазифалар ёритилган.

Калит сўзлар: миграция, иммиграция, меҳнат муҳожир, миграция омиллари, ижтимоий оқибатлари, миграция мотивлари.

Ер юзида инсоният яшай бошлагандан буён аҳолининг сайёра бўйлаб тарқалиши узок давом этган миграциянинг натижаси ҳисобланади. Олимларнинг тадқиқоти бўйича Ер шарининг турли минтақаларида аҳолининг кўчиб ўтиши, яшай бошлаши минглаб йиллар давом этган жараённинг ҳосиласи ҳисобланади [1.46].

Шу борада аҳоли Ер юзаси бўйлаб нотекис тақсимланган. Миграция ички ва ташқи миграцияга бўлинади. Аммо унинг мотивлари турлича фарқланади. Инсоният тарихида миграциянинг турли кўринишлари содир бўлган. Аҳолининг халқаро миграцияси – аҳолининг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойига эга бўлиш мақсадида бир давлатдан бошқа давлатга кўчиш жараёни. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мезонларига кўра, агар мигрантнинг хорижда бўлиш муддати бир йилдан ошса, миграция халқаро миграция ҳисобланади [2].

Миграция оқимларининг шаклланишига турли ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг кенг доираси иштирок этади, миграция ҳаракатига таъсир этувчи иқтисодий, демографик, табиий-географик, этносиёсий, экологик ва бошқа омиллар мавжуд.

Ландшафтларнинг ўзгариши миграцияга кучли таъсир қилган [3]. Табиий омиллар – иқлим, географик, тупроқ, экологик шароитлар. Улар миграцияга нафақат бевосита балки билвосита таъсир кўрсатади, чунки табиий шароитлар кўплаб ишлаб чиқаришларнинг табиий асосидир. Ўтмишда Евроосиё худудида содир бўлган миграция жараёнларига асосан мана шу омил сабаб бўлган [3].

Иқтисодий омилларга қуйидагилар киради: халқ ҳўжалиги таркибидаги ҳудудий тафовутлар, бандлик имкониятлар, номинал ва реал иш ҳақи. Постсовет худудида мустақил давлатлар ташкил топгач улардаги ижтимоий-иқтисодий омиллар сабаб аҳолининг миграцияси кучайиб борди. Марказий Осиё мамлакатлари орасида демографик босимга эга давлат Ўзбекистон ҳисобланади. Ривожланаётган давлат сифатида ёшлар учун етарли иш ўринлари яратилмагани, мустамлакачилик тузумининг иқтисодий асоратлари, техник ва технологик қолоқлик, иш ҳақининг камлиги сабабли ташқи миграция юқори ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида Россия, Жанубий Корея, Туркия, БАА, Қозоғистон, Европа Иттифоқи, АҚШ ва бошқа мамлакатларга миллионлаб ватандошларимиз эмиграцияга кетишга мажбур бўлди. Буларнинг энг кўпи Россия ҳиссасига тўғри келиб, у давлатда икки миллиондан ортиқ ўзбекистонлик меҳнат муҳожир рўйхатдан ўтган.

Аҳолига ижтимоий-иқтисодий миграциянинг қандай оқибатлари борлигини кузатиш мумкин:

Мигрант учун ижобий: -даромадларининг ортиши; тумуш сифати, фаровонлигининг яхшиланиши; ижтимоий кафолатларга эга бўлиш.

Салбий: - руҳий зўриқиш; - суянчсиз қолган оиласи ва фарзандларига ижтимоий-психологик таъсири; бегона жойга кўчиш билан боғлиқ шахсий таваккалчилик; одам савдоси ёки мажбурий меҳнат қурбонига айланиш таҳдиди.

Мигрантни қабул қилган мамлакат учун оқибатлари:

Ижобий: -мехнат бозорида таклифнинг ошиши; - арзон ишчи кучи ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигининг ортиши; маданий хилма-хилликнинг юзага келиши; мамлакат илмий-техник салоҳиятини ошириш; демографик вазиятни яхшиланиши.

Салбий: ишсизликнинг ўсиш хавфи; маҳаллий аҳоли томонидан дискриминацияга учраш хавфи; ижтимоий зўриқиш, яъни соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа хизматларга босимнинг кўпайиши; хавфли касалликларнинг тарқалиш хавфи; миллий маданият ва анъаналарнинг таъсирга учраши.

Иммиграция содир мамлакат учун оқибатлари.

Ижобий: пул оқими ва ўтказмаларининг ортиши; меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш имконияти; замонавий технологиялар импорти; инвестициянинг ортиши; меҳнат бозорида босимнинг пасайиши.

Салбий: “ақлларнинг чиқиб кетиши” оқибатида илмий потенциалнинг пасайиши; малакали ишчи кучини йўқотиш; демографик вазиятга салбий таъсири; оиланинг инқирозга учраши.

Ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларининг кўпчилиги Россияда эканлиги кейинги даврда Россия Украина уруши фонида маълум муаммоларга сабаб бўлаяпти. Бу Россияда мигрантларни урушга боришга даъват қилиш, пулга ёллаш, фуқаролик бериш каби ваъдалар билан содир бўлаяпти. Айниқса, жиноят содир этиб жазони ўтаётган мигрант маҳбусларни урушга ёллаш, рад этганларга нисбатан таҳдид ва босимлар бўлаётганлиги анча хавотир уйғотади. Ўзбекистон қонунчилигига кўра фуқароларнинг хорижий мамлакатларда урушда қатнашиши жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Шу билан бирга Марказий Осиёлик мигрантларга нисбатан босимларнинг кучайганлиги, айрим сиёсатчиларнинг мигрантларга нисбатан чораларни кучайтириш бўйича қонунчиликни қайта кўриб чиқишга оид қаршлари янграётгани уруш фонида юз бераётгани анча хавотирли ҳисобланади.

Бундай вазиятда келгусида меҳнат муҳожирлари учун муқобил вариантларни топиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ. Хусусан, яқинда Ўзбекистон Президентининг Германия канцлери билан бўлган музокараларида меҳнат миграциясига оид шартноманинг имзоланганлиги ижобий ҳолат дейиш мумкин.

Ўзбекистон фуқароларини ривожланган мамлакатларга бориб ишлашини рағбатлантириш чораларини кўриш учун қуйидаги вазифаларга аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ:

- хорижий давлатлар билан меҳнат муҳожирлари масаласида шартномалар тузиш;
- у давлатлар билан виза масалаларини енгиллаштириш ва кўриб чиқиш, ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш;
- иммигрантлар учун тўсиқ бўлаётган тилни билмаслик тўсиғини бартараф этиш бўйича чоралар кўриш;
- иммигрантларни маълум касб-хунарга тайёрлаш чораларини кўриш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Даймонд Жаред. Ружья, микробы и сталь: история человеческих сообществ [пер. с англ. М. Колопотина]. — Москва : Издательство АСТ, 2018. — 768 с.
2. Абидов, М.Х. Современные подходы к формированию миграционной политики в России // УЭПС: Управление, экономика, политика, социология. - 2015. - №1. - С. 80-84.
3. Гумилёв Л.Н. Изменения климата и миграции кочевников. "Природа", 1972, No 4, С. 44-52)